

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017Fil. 02.03. РАҚАМЛИ ИЛМӢ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМӢ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОНХУЖАЕВА АНЗУРАТ СУЛТОНОВА

**ТОЖИК ТИЛИНИНГ ТӢЙ ВА МОТАМ МАРОСИМЛАРИГА ОИД
ЭТНОГРАФИК ЛЕКСИКАСИ
(Самарқанд лаҳжаси асосида)**

**10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти
(тожик тили ва тожик адабиёти)**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БӢЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological
sciences**

Хонхужаева Анзурат Султоновна

Тожик тилининг тўй ва мотам маросимларига оид этнографик лексикаси
(Самарқанд лаҳжаси асосида) 5

Ханходжаева Анзурат Султановна

Этнографическая лексика таджикского языка по свадебным и траурным
церемониям (на материале Самаркандского диалекта) 23

Khankhojaeva Anzurat Sultanovna

Ethnographic vocabulary of the tajik language at weddings and funeral ceremonies
(based on Samarkand dialect) 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 49

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc27.06.2017Fil.02.03. РАҚАМЛИ ИЛМӢ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМӢ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОНХУЖАЕВА АНЗУРАТ СУЛТОНОВА

**ТОЖИК ТИЛИНИНГ ТӢЙ ВА МОТАМ МАРОСИМЛАРИГА ОИД
ЭТНОГРАФИК ЛЕКСИКАСИ
(Самарқанд лаҳжаси асосида)**

**10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти
(тожик тили ва тожик адабиёти)**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БӢЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2019.1.PhD/Fil733 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида samdu.uz ва “Ziyonet” ахборот-таълим портали (www/ziyonet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Истамова Марҳабат Джураевна
филология фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Шокиров Туғрал Сирожевич
филология фанлари доктори, профессор

Ахмедова Дилфуза Рафукжановна
филология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2019 йил “__” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz. Самарқанд давлат университети, Бош ўқув биноси, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40

Диссертация автореферати 2019 йил “__” _____ куни тарқатилди.
(2019 йил “__” _____ да _____ - рақамли реестр баённомаси).

М.Қ.Муҳиддинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

А.Б.Пардаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол. ф.д.

А.Э.Маматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида халқларнинг моддий ва маънавий маданияти, турмуш тарзи, миллий урф-одат ва қадриятлари хусусида лингвомаданий ахборотни ўзида жамловчи этнографик лексикани кенг ўрганиш ва тилларнинг ноёб хазинаси бўлган этнографизмларни келажак авлодларга етказиб бериш долзарблик касб этмоқда. Зеро, этнографизмлар умуммиллий этнографик лексика билан тарихий-генетик жиҳатдан муштараклик касб этган ҳолда ўзида моддий ва маънавий маданиятни акс эттирувчи алоҳида этномаданий мазмун ташийдди. Шу нуқтаи назардан этнографизмларнинг лексик-семантик хусусиятларини лингвомаданий аспектда систем тарзда ўрганиш соҳа тараққиётини таъминлайдиган муҳим омиллардан ҳисобланади.

Дунё этнолингвистика фанида этнографизмларни маълум бир ҳудудда яшаб келатган халқнинг қадимий урф-одатлари, маданияти, анъана ва удумларини ўзида ифодалайдиган миллий ва диалектал лексик қатлам сифатида лингвомаданий ва лингвокогнитив жиҳатдан текшириш долзарб илмий йўналишлардан бири ҳисобланади. Дунё тилларидаги этнографизмларни тарихий-ижтимоий ва лингвистик асосларини тадқиқ этиш орқали муайян халқнинг фани, миллий тили, тарихи, урф-одатлари, анъаналари, маданий мероси ва ҳаётий қадриятлари ҳақидаги билимларни бойитади. Бинобарин, этнографик лексиканинг асосий лексик-семантик белгиларни жаҳон тилшунослигининг сўнгги ютуқларидан, замонавий тилшуносликнинг янги методларидан фойдаланган ҳолда тадқиқ этиш ҳамда бундан дунё илмий жамоатчилигини хабардор этиш заруратини юзага келтиради.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиздаги миллий тилларнинг лаҳжа ва шеваларининг лексик қатламларини ўрганиш бўйича салмоқли тадқиқотлар амалга оширилди. Тилшунослигимизда тожик шеваларидаги этнографик лексика (ЭЛ)ни лингвокультурология ва систем-структур тилшунослик нуқтаи назаридан батафсил ўрганиш, унинг лексик сатҳ ичидаги ва сатҳлараро муносабатларини белгилаб бериш, луғавий қатламнинг жумладан, ЭЛнинг ўзбек-тожик иккитиллилиги шароитидаги лисоний коммуникация жараёнида қўлланилишини тадқиқ этиш каби қатор муаммолар тургани сир эмас. Зеро, «ўзбек ва тожик халқлари бир дарахтнинг икки шохи, бир дарёнинг икки ирмоғига ўхшайди. Бизнинг муқаддас динимиз, еримиз ва сувимиз бир. Қувончу ташвишларимиз, тақдиримиз муштарак. Аждодларимизнинг эзгу анъаналарини давом эттириб, халқларимиз дўстлигини мустаҳкамлашимиз ва асраб-авайлашимиз керак»¹. Тожик тили шеваларида бой ЭЛ мавжуд бўлиб, уларнинг лисоний хусусиятларини кенг тадқиқ қилиш муайян назарий ҳамда амалий аҳамиятга эга. Бу эса мазкур тадқиқот мавзуининг тилшунослик илми учун долзарб эканлигидан далолат беради.

¹Мирзиёев Ш.М. Ўзбек ва тожик халқларининг «Дўстлик оқшоми»да сўзланган нутқи- Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти><https://president.uz> (17.08.2018)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги “2010-2020 йилларга мўлжалланган номоддий маданий мерос объектларни муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ равишда бажарилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Кейинги йилларда Ўзбекистонда этнографизмларни илмий нуқтаи назардан ўрганиш бўйича қатор махсус тадқиқотлар амалга оширилган. Ўзбек тилшунослигида этнографик лексика ва ҳудудий ўзига хослиги масаласи анча чуқур ўрганилган. Н.Мирзаевнинг «Ўзбек тилининг этнографик лексикаси» (Қашқадарё вилояти ўзбек шевалари материаллари асосида, 1971), А.Жўрабоевнинг «Ўзбек тилидаги тўй маросимлари билан боғлиқ атамалар (Андижон шевалари материаллари асосида, 1971), З.Хусаинованинг «Ўзбек тилида тўй маросимлари атамаларининг ономасиологик тадқиқи» (Бухоро шевалари материаллари асосида, 1984), Й.Бобожоновнинг «Жанубий Хоразм этнографик лексикаси» (1997), М.Қаҳҳорованинг «Ўзбек этнографизмларининг системавий тадқиқи» (2009), Х.Бердиевнинг «Ўзбек тилининг ўтовсозлик лексикаси» (2017) ва бошқа тадқиқотларни кўрсатиш мумкин. Бу тадқиқотларда диёримиз халқлари тарихи, миллий-маънавий қадриятлари, урф-одат ва удумларини ифодаловчи этнографик лексика жиддий ўрганилган¹.

Тожиқ тилшунослигида XX асрнинг 50-йилларида олимлар алоҳида лаҳжаларни ўрганишга қўл уриб, бу борада жиддий ютуқларни қўлга киритдилар. Бу борадаги ишлар Тожиқистон Фанлар академияси Рўдакий номидаги тил ва адабиёт институти ходимлари томонидан давом эттирилди

¹Джурабаев А. Названия свадебных церемоний в узбекском языке (на материале андижанской группы говоров): Автореф. дисс...канд. филол. наук. - Ташкент, 1971; Хусаинова З. Ономасиологическое исследование названий свадебных обрядов в узбекском языке (на материалах Бухарской группы говоров): Автореф.дисс...канд.филол.наук. -Ташкент, 1984; Исманова О.О. Ўзбек тўй маросим фольклорида «келин салом» жанри: Филол.фан. номз... дисс.автореф. -Тошкент, 1999; Ҳайитова Ф. Никоҳ тўйи кўшиқларининг лингвистик талқини: Филол.фан. номз... дисс.автореф. -Тошкент, 1998; Нуриллаева Ш.М. Туркистон қарлуқ тип шеваларида тўй маросими номлари: Филол.фан. номз...дисс.автореф. -Тошкент, 2001, Бердиев Ҳ. Ўзбек тилининг ўтовсозлик лексикаси: Филол. фан. фалсафа д-ри (PhD) дисс. автореф. -Самарқанд, 2017. -47 б. ва бошқалар.

ва 5 томлик «Шеваи чанубии забони тоҷикӣ» («Тоҷик тилининг жанубий шеваси») номли китобда нашр этилди. Шунингдек, 1952-1963 йилларда В.С.Расторгуеванинг «Очерки по таджикской диалектологии [вып.1-5]» номли китобининг чоп этилиши тоҷик шевашунослигида алоҳида ҳодиса бўлди.¹ XX асрнинг 60-70- йилларида тоҷик тилининг алоҳида лаҳжаларига доир «Масъалаҳои шевашиносии тоҷик» («Тоҷик шевашунослиги масалалари») номи остида бир туркум мақолалар нашр этирилган бўлиб, улар асосан, алоҳида лаҳжаларни (Ромит, Ёхсу, Панжакент, Шаҳритус, Кўлобнинг жанубий қисми, тоҷикзабон араблар) ўрганишга қаратилган эди.²

Қайд этиш лозимки, тоҷикистонлик олимлар томонидан Ўзбекистондаги маҳаллий тоҷик шевалари, улардаги лексик қатламлар, шу жумладан этнографизмларнинг қисман ўрганилганлиги маълум.³ Ўзбекистонлик тадқиқотчилар Д.Ишондадаев, И.Юсупов, М.Зокировлар Фарғона водийси, Л.Назарова, М.Истамова, Ҳ.Бердиқулов ва Ш.Жўраевларнинг Самарқанддаги тоҷик шевалари лексикаси ҳамда ўзбек-тоҷик иккитиллигининг лексик сатҳда намоён бўлиши масалаларига бағишланган диссертацияларида ҳам ушбу мавзуга у ёки бу муносабат билан мурожаат қилинган.⁴ Шунга қарамай, ҳали Ўзбекистонда яшовчи тоҷикларнинг барча шевалари лексикаси, хусусан, Самарқанд тоҷиклари шеваларидаги тўй ва мотам маросимларига оид этнографик лексикасининг махсус тадқиқ этилмаганлиги ушбу мавзунинг монографик планда ўрганишни тақозо этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Самарқанд давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг 2016-2020 йилларга мўлжалланган «Тоҷик-форс тилининг лексикологияси, лексикографияси ва услубиётига доир айрим масалалар» мавзусидаги илмий ишлари доирасида бажарилган.

¹ Расторгуева В.С. Очерки по таджикской диалектологии // Варзобский говор таджикского языка. Вып. 1. - М. 1952. - 207 с.; Расторгуева В.С. Очерки по таджикской диалектологии (северные таджикские говоры полосы Шайдон, Ашт, Чуст, Косонсой), Вып.2. -М. 1952. - 324 с.; Расторгуева В.С. Очерки по таджикской диалектологии (Ленинабадско - Канибадамские группы), Вып. 3.- АН СССР. - М., 1956. -191 с.; Расторгуева В.С. Очерки по таджикской диалектологии (южно- ферганские говоры Риштан, Сох и говоры Урютюбинской группы), вып. 4. - М. 1961. -223 с.; Расторгуева В.С. Очерки по таджикской диалектологии (таджикско-русский диалектный словарь), Вып. 5. - М. 1963. -250 с. Расторгуева В.С. Опыт сравнительного изучения таджикских говоров. -М: Наука, 1964. - 188 с.

² Масъалаҳои шевашиносии тоҷик, I. Душанбе, 1970; Истамова М. Лексика швейного и вышивального искусства в Самаркандских говорах таджикского языка. Автореф. дисс...канд. филол. наук. –Душанбе, 1983.–С.8-18.

³ Маҳмудов М. Лаҳҷаҳои тоҷикони райони Китоб.- Душанбе: Дониш, 1978. -279 с.; Маҳмудов, Луғати мухтасари лаҳҷаҳои Бухоро.- Душанбе: Дониш,1989. -278 с.; М.Маҳмудов, М. Чўраев Ғ. Луғати шеваҳои забони тоҷикӣ (лаҳҷаҳои чанубӣ). - Душанбе: Дониш. -1997. - 288 с.

⁴ Назарова Л. Говоры таджиков Ургута: Автореф.дисс... канд. филол. наук. – Самарқанд, 1971. -27 с; Истамова М. Лексика швейного и вышивального искусства в Самаркандских говорах таджикского языка. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Душанбе,1983.–С.8-18; Зокиров М. Лингвистик интерференция ва унинг ўзбек-тоҷик билингвизмида намоён бўлиши. Автореф. дисс... канд. филол. наук. –Тошкент, 2007; Жўраев Ш. И. Билингвизм шароитида тоҷик ва ўзбек тилларининг лексик сатҳдаги ўзаро алоқалари (Самарқанд вилояти материаллари асосида): Филол. фан. фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. -Самарқанд, 2018. -47 б.

Тадқиқотнинг мақсади. Самарқанд худудида яшовчи тожиклар шеvasидаги тўй ва мотам маросимларига оид этнографик лексикасини тадқиқ этиш орқали билингвизм ҳодисасининг этнографик бирликларда акс этишини кўрсатиш, худуддаги тожиклар тилида қўлланувчи этнографизмларнинг лексик-семантик хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

юртимиз халқларининг тарихий ва ижтимоий этник қатламларининг турмуш тарзи, урф-одатлари ва Самарқанд тожик этник қатламининг ўзига хос анъанавий урф-одатларини сақланганлигини ва халқ ижтимоий ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришларни этнографик лексик бирликларни тадқиқ қилиш орқали кўрсатиб бериш;

ўзбек ва тожик тилшунослигида этнографизмларни ўрганиш бўйича амалга оширилган ишларни ўрганиб чиқиш ва улар кўламида Самарқанд худудида яшовчи тожиклар шеvasининг этнографик лексикаси бўйича олиб борилган тадқиқотларни таҳлил қилиш;

Самарқанд тожиклари лаҳжаларининг этнографик хусусиятлари ва унинг тожик адабий тили билан боғлиқлигини ўрганиш орқали Самарқанд тожиклари шеvasида тўй маросимини ифодаловчи этнографизмларнинг луғавий-маъновий хусусиятларини очиб бериш;

маросимларга оид этнографик сўзларнинг этимологияси, шевада учровчи этнографик бирликларнинг ясаилишида билингвизм ҳодисаси таъсири, бу эса ўз навбатида лексик сатҳда юзага келувчи лисоний ҳодисаларда акс этишини таҳлил қилиш; мотам маросимига оид этнографик сўзларни маъновий тематик гуруҳларга ажратиб, уларнинг луғавий хусусиятларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объектини Самарқанд шаҳри ва вилоятида яшовчи тожик тилида сўзлашувчи аҳолининг оғзаки-сўзлашув нутқидан, тожик тилидаги матбуотдан ҳамда ўзбек ва тожик адабий тилларидан йиғилган материаллар ташкил этади.

Тадқиқот предмети Самарқанд тожиклари лаҳжасининг этнографик таркибини аниқлаш ва қиёсий таҳлил натижасида унинг ҳозирги адабий тилдан ва тожик тилининг бошқа шеваларидан фарқ қилувчи хусусиятларини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда тавсифий, қиёсий, контекстуал, компонент таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзбек ва тожик халқларининг урф-одат ва маънавий қадриятларининг ўзаро ўхшашлиги ҳар икки тилдаги этнографик лексиканинг шаклланиши ва ривожланишига баракали таъсир қилганлиги, этнографик сўзларнинг этимологиясида ҳам шу ҳолат муҳим роль ўйнагани асосланган;

тожик тилининг Самарқанд лаҳжаси этнографик лексикаси маҳаллий аҳолининг миллий-маданий турмуш тарзи, урф-одатлари ва анъаналарига мос равишда таркиб топгани ҳамда бу лексик қатлам ўзбек-тожик билингвизми шароитида шакллангани далилланган;

оилада фарзанднинг туғилиши ва парвариши билан боғлиқ бўлган ақиқа, исм қўйиш, бешикка солиш, чилла, соч олиш, тиш чиқиш маросимлари, мучал ва суннат тўйлари билан боғлиқ этнографизмларнинг этнолингвистик, этимологик, лексик-семантик хусусиятлари очиб берилган;

мотам ва тўй маросимларини ўтказиш билан боғлиқ лексик қатламнинг этнолингвистик жиҳати, маъновий-тематик гуруҳлари аниқланган, уларнинг нутқий истеъмолдаги луғавий ва семантик хусусиятлари асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси. Тожик ва ўзбек сўзлашув нутқи лексикографик асарларда ифодаланиши аниқланиб, олинган хулосалар тожик-ўзбек тиллари лексикасини янада чуқурроқ ўрганишга имкон бериши илмий-назарий жиҳатдан асосланган;

тадқиқот асосида яратилган “Луғати тафсирии лексикаи этнографии тоҷикони Самарқанд (дар асоси маводи маросимҳои тўй ва мотам)” изоҳли луғати (978-9943-5374-1-5) тузилиб, тил таълимида ўқувчиларнинг филологик билимларини ошириш, сўзларнинг маъноларини теран англашига хизмат қилиши кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Самарқанд лаҳжасининг этнографик лексикаси таркибини аниқлашда аввало, тўй ва мотам маросимига оид лексик бирликларнинг маъновий гуруҳларини ажратишда, уларнинг этимологик жиҳатдан ўзига хослигини кўрсатишда бугунги кунда тилшунослик илмида етакчилик қилаётган замонавий тадқиқ усулларидан фойдаланишда намоён бўлади. Шунга асосланган ҳолда тожик тили Самарқанд лаҳжасининг этнографик хусусиятларини аниқлашда таҳлилларнинг тавсифий, қиёсий, контекстуал, компонент таҳлил усуллари билан асосланганлиги, назарий фикр ва хулосалар, эришилган натижаларнинг таълим тизимининг тожик тили ўқитиладиган бўғинларида амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти унда тожик тили Самарқанд лаҳжасининг этнографик лексикасини билингвизм шароитида замонавий талаблар асосида таҳлил қилишнинг усуллари жамланмаси илмий жиҳатдан ишлаб чиқилгани билан изоҳланади. Тожик тили Самарқанд лаҳжасининг этнографик лексикасини ўрганиш натижалари Самарқанд тожиклари шеvasи, унинг грамматик қурилиши, луғавий таркиби, этнографик қатлами бўйича кузатишлар олиб бораётган тадқиқотчиларга илмий манба сифатида хизмат қилади.

Амалий жиҳатдан эса тадқиқот натижаларидан ўзбек ва тожик тиллари, билингвизм, тиллараро алоқаларнинг ривожланишида этнографик лексиканинг тутган ўрнини ўрганишга оид назарий ва амалий ўқув-услубий қўлланмалар яратишда материал сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Самарқанд ҳудудида яшовчи тожиклар шеvasидаги тўй ва мотам маросимларига оид этнографик лексикаси тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Самарқанд тожиклари лаҳжасидаги этнографизмлар бошқа вилоят тожикларининг этнографизмларидан ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб

турганлиги хусусидаги хулосалардан ОФ-Ф8-027 рақамли “Қўлёзма манбаларнинг миллий маънавий ва адабий мерос тарғиботидаги аҳамияти” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 5 апрелдаги 89-03-1335-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг амалиётда татбиқ этилиши тилшунослик, этнология ва этнография соҳаларига доир терминларнинг мазмун-моҳияти ҳамда тожик-ўзбек иккитиллигига доир илмий тушунчаларнинг мазмунини аниқлаштиришга хизмат қилган;

Самарқанддаги тожик халқининг маросимга хос лаҳжасида бошқа халқ тилидан ўтган: туркча-ўзбекча, арабча, русча ва аралаш [гибрид] сўзларни ҳам кўриш мумкинлиги тўғрисидаги хулосалардан ОТ-Ф8-062 рақамли “Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 5 апрелдаги 89-03-1335-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчилар Самарқанд вилояти тожик ва ўзбек тилларига хос лексемаларнинг ҳосил бўлиши йўллари хусусида маълумотга эга бўлган;

Самарқанд шеvasидаги этнографизмларнинг ўзига хос хусусиятларига эгаллиги, ўзбек ва тожикларнинг этнографизмларида ҳам кўплаб ўхшашликлар мавжудлиги юзасидан келтирилган илмий-назарий хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O'zbekiston” телеканалининг “Ижод завқи”, “Бедорлик”, “Адабий жараён”, “Этноглобус” дастурлари сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O'zbekiston” телеканали ДУКнинг 2019 йил 27 мартдаги О`Z/К-1-55-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши томошабинларни Самарқандга хос этнографизмлар билан таништиришда, кўрсатувнинг қизиқарли ва оммабоп бўлишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этган;

тадқиқот асосида яратилган “Луғати тафсирии лексикаи этнографии тоҷикони Самарқанд (дар асоси маводи маросимҳои тўй ва мотам)” изоҳли луғати (978-9943-5374-1-5) тузилиб, тил таълимида ўқувчиларнинг филологик билимларини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича Ўзбекистон Олий аттестация комиссияси докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 6 та мақола, улардан 4 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Тадқиқотнинг умумий ҳажми 158 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тўй маросимларига оид лексемалар ва уларнинг қўлланилиши”** номли биринчи бобига қарашли *“Тўй ва тўй турларини ифодаловчи лексик бирликлар”* номли илк бўлимда этнография ва тилшунослик фанларидаги “тўй” тушунчаси қиёсланган ҳамда Самарқанд ҳудудида яшовчи тожикларнинг тилида тўй маросимларининг турлари ҳамда уларга оид сўзлар ва терминлар хусусидаги мулоҳазалар баён этилган.

Маълумки, тўй маросими Марказий Осиёда яшовчи бошқа халқлар қатори тожикларнинг, хусусан, Самарқанд ва унинг атрофида яшовчи тожик аҳолисининг ҳам энг қадимий анъаналаридан бири бўлиб, ўз навбатида суннат тўйи (*тўйи хатна ё хатнасур*), келин тўйи (*чашни арўси*) маросимларига бўлинади ва бу маросимларда этнографияга хос сўзлар кенг қўлланилади. Самарқанд тожиклари тили луғавий таркибида бу маросимга хос бўлган қуйидаги этнографик сўзлар ишлатилади: *тўй* - байрам, нишонлаш; *сур* - келин тўйи, хатна тўйи; *тўйхона*- тўй қилинадиган уй; тўйга хабар қилиш; *тўёна* -тўй совғаси; *тўйгардӣ* -тўйма-тўй юриш; *келинфурорӣ* - келин тушириш; *тўйхабар*, *тўйхўр*- тўйда иштирок этувчи ва бошқалар.

Бу тўй ва маросимлар орасида чақалоқнинг туғилиши билан боғлиқ маросимлар алоҳида ўрин тутди. Бобнинг *“Чақалоқ туғилиши маросимида боғлиқ лексика”* номли иккинчи фаслида айнан шу жараёнга боғлиқ лексик бирликлар таҳлил этилган. Самарқанд тожиклари лаҳжасидаги гўдакнинг туғилиши, бешикка белаш (*гаҳворабандон*), бешкетти (*гаҳворабахш*), чиллақочди (*чиллагурезон*), сочолар (*муйсаргирон*), ақиқа тўй, мучал тўйига оид этнографик сўзларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Бола (*гўдак*, *тифлак*, *чақалоқ*, *нинӣ* ва бошқ.) туғилиши билан халқнинг қадимий анъаналари воситасида уни келгуси ҳаётига ва жамиятга тайёрлаш жараёни бошлаб юборилади. Бундай жараён суюнчи (*муждаи таваллуд*), ном қўйиш (*номгузорӣ*), чақалоқни чўмилтириш (*оббозӣ доронидани кўдак*), бешикка солиш (*гаҳворабандон*), чиллақочди (*чиллагурезон*), чилла тутиш (*чилла доштан*), тиш чиқариш (*дандонкафон*), тирноқ олиш (*нохунгирон*), соч олиш (*муйсаргирон*), мучал (*мўлқар*) ва шу каби расм-русумлар билан амалга оширилиб боради ҳамда уларда этнографик анъана ва фольклор тилининг таъсири сезилиб туради.

Маълумки, болани бешикда парвариш қилиш қадимдан Ўрта Осиё халқлари орасида мавжуд бўлиб, халқ орасида бешик ва бешикка белаш (ёки боғлаш) билан боғлиқ жуда кўп урф-одатлар юзага келган ва уларнинг тилда

акс этиши алоҳида этнографик лексик қатламни шакллантиради: бешикка белаш (*гаҳворабандон*), бешик боши (*сари гаҳвора*), бешик элтиш (*гаҳворабарон*), бешик яшаш (*гаҳворасозон*) кабилар. Ўз навбатида бешик яшаш (*гаҳворасозон*) концепти кичик лексик-семантик гуруҳни (ЛСГ) ташкил этади: бешикнинг асоси ўқ (*даста*), бола ётқизиладиган *тахтачўп*, тахтачўпнинг оёқ қисмидаги тешик (*шикоф*) ва унга қўйиладиган тувак (*тувак*) каби. “Бешик яшаш” концепти билан билвосита алоқадор бўлган қуйидаги ЭЛни ҳам сиралаб кўрсатиш мумкин: уста (усто) – бешик устаси; тол (*бед*), ёнғоқ (*чамоқ*) ва тут (*тут*) – бешик яшаш учун тахта олинадиган дарахт номлари; бешик осон тебратилиши учун енгил ёғочлардан ясалса-да, унинг оёғи (*пой*) ва тутқичи (*қуш*) ёнғоқ ва тут каби мустаҳкам ёғочлардан қилинади. Бешик жиҳозларини ифодаловчи ЭЛ: кўрпача (*кўрпача*)-бу кўрпачанинг ичига пахта эмас, похол, тариқ ёки ковурилган нўхатнинг пўсти –*пинни* (тер ва сийдикни шимиб олиш учун) солинади ва буларнинг ҳам ўзига хос рамзий белгилари мавжуд; кейин пахталик, юпқа кўрпача (*кўрпачаи сабук*, *майда*) ва рўйжой (*рўйчо*) ёзадилар. Булар қаторига оёқ ўрагич (*пойпеч*), қавздон (*қавздон*), бош ва елка ўрагич (*сарпеч*, *китфпеч*), оёқ ва қўл боғичи (*дастбандаку пойбандак*), ёстиқ (*ёстук*, *болиш-болинча*), бешик ёпинчиғи (*гаҳвораўш*) каби ЭЛни ҳам киритиш мумкин. «Бешикка белаш» жараёнини ифодалайдиган ЭЛ қуйидагилардир: муборакбод дуоси (*дуойи муборакбодӣ*), кулча -ҳажми кичик нон (*кулча-боланинг ризқи бутун бўлиши учун*), қайроқ тош (*санги қайроқ* – боланинг соғлом ва бақувват ёки “боши тошдан бўлиши” учун), суюнчи пули (*севанчипули* – бувилар томонидан болаларга берилади), пичокча (*кордча* – боланинг хавф-хатардан холи бўлиши учун), қалампир (*қаланфур* – ёмон кўздан асраш), қўй гўшти (*гўшти гусфанд* – боланинг ризқи бутун бўлиши маъносида) ва бўғирсоқ (*бўғурсоқ* – боланинг дунёга келганлиги учун хайру саховат, суюнчи ва қўни-қўшниларга билдириш маъносида).

Самарқанд тожиклари тилида гаҳвора *бешик* концепти билан боғлиқ яна бир бешиккerti (*гаҳворабахш*) этнографик маросими мавжуд бўлиб, бу маросим ҳам алоҳида ЛСГни ташкил этади. Бешиккerti (*гаҳворабахш*, *айрим ҳудудлардаги лаҳжаларда “доманчок” атамаси*) - қиз ва ўғил болаларни ўзаро бешик ёшидалигида аташтириб қўйиш.⁹ Бу маросимнинг моҳияти болаларнинг келажакда турмуш қуришини иташ, қуда бўлиш ниятини ифодалайди. Бу маросимнинг минтақамиздаги бошқа халқларида учраши ва турли атамалар билан юритилиши маълум. Жумладан, ўзбеклар “*бешиккerti*”, қирғизлар “*белқуда*”, қозоқларда “*ежекабил*”, туркманларда “*адаглаб қойиш*” ва ҳатто русларда “*колибельное сватовство*” тушунчаси ва ибораси мавжуд. Тожик тилининг турли шеваларида бу тушунча қуйидагича ифодаланади: Форишда *риштабанд* (ип боғлаш), Ҳисорда *домандарронӣ* (этак йиртиш) ва Варзобда *кундапартотӣ* (кунда ташлаш).

“Ўзбек тили этнографизмларининг изоҳли луғати”да қайд қилинишича, “*чиллагурезон*”(ф-т.) чақалоқ туғилгач, қирқ кундан кейин, яъни чилласи

⁹Мирзаев Н. Ўзбек тили этнографизмларининг изоҳли луғати. - Тошкент: Фан, 1991. -Б.14.

чиққандан сўнг болани яқин қўшни ва қариндош-уруғлариникига кўтариб ўтиш, меҳмонга бориш ва шу муносабат билан ўтказиладиган маросим¹. Шунингдек, *дандонбаророн* (тиш чиқариш) маросими ва *мўйсаргирон* (соч олиш) кабилар бола 4-5 ойлигида ва бир ёшлигида ташкил этилувчи маросимлардир ва бу соҳада махсус ЛСГ шаклланмаган.

Суннат ва мучал тўйига оид сўзлар ва терминлар учун Самарқанд лаҳжа ва шеваларида каттагина ЭЛ гуруҳи шаклланган: хатна тўйи, суннат тўйи (*тўйи хатна, тўйи суннат*), маслаҳат оши (*оши маслаҳат*), хатна қилувчи уста (*устои хатна, чукбур*), салла ўраш (*саллабандон*), тўн кийизиш (*чоманўшон*). Хатна тўйи ташкил этиш ва тўй мобайнида амалга ошириладиган урф-одатлар (тўй болага чопон кийдириб, бошига дўппи ёки салла ўрайдилар), шу сабаб бу анъана *саллабандон ё чоманўшон* номи билан машҳурдир.

Мучал тўйи (*тўйи мучал*) бола 12 ёшга кирганида ўтказилади ва у Шарқ халқларида мавжуд 12 хайвонли йил ҳисоби билан боғлиқ: сичқон (*муш*), сигир (*гов*), йўлбарс (*шер*), қуён (*харгўш*), балиқ (*маҳи*), илон (*мор*), от (*асп*), қўй (*гўсфанд*), маймун, товук (*мурғ*), ит (*сағ*) ва тўнғиз (*хук*)дир. 12 рақами мукамалликни ифодалаган сон ҳисобланади. Ота-оналар фарзандлари 12 ёшга тўлса, яхши орзу-умидлар билан уларнинг мучал тўйларини ўтказадилар, болага янги кийимлар кийдирадилар. Бундай базмда ота-оналар, дўсту дугоналар қатнашиб, ўйин кулгу қиладилар, мучал тўйи қилинаётган болани табриклайдилар.

Бобнинг “*Келин тўйи маросимига мансуб этнографик лексемалар*” деб номланган бўлимида тожик тилининг Самарқанд шеваларида никоҳ тўйи билан боғлиқ ЭЛ таҳлил этилган. Маълумки, тўй дунёнинг барча халқлари томонидан нишонланадиган энг катта ва машҳур маросим ҳисобланади. Бу маросимни ўтказиш давомида миллий урф-одатлар, маъракаларни ифодалаш учун жуда кўп этнографик сўзлар қўлланилади ва бу сўзлар қадим замонлардан бизнинг давримизгача турли ўзгариш ва такомиллашувлар билан етиб келган. Келин тўйи билан боғлиқ маросимларни ифодаловчи ЭЛни учта ЛСГда умумлаштириш мумкин:

1) Тўйдан олдинги маросимлар: совчилик, унаштириш, нон синдириш, фотиҳа, оқйиртиш, маслаҳат оши, тўй харажати, тўй элтиш, дугоналар йиғини, оқсоқолга бориш, кийим кийгизиш, қизлар йиғини, хина қўйиш, сомсахўрлик (*хостгорӣ [завчигӣ], номзадкунӣ ноншиканон, хайошӣ, ошхўракон, фотиҳа, парчабуррон, маслиҳатошӣ, хароҷоти тўй, тўйбарӣ, дугонаталбон, оқсоқолравӣ, либоснўшон, ҳинобандон, самбўсахўрон*) ва бошқалар.

2) Катта тўй маросимлари: никоҳ (*никоҳ*), куёвнинг келиши (*домодбиёрон*), хутба ўқиш (*хутбахонӣ, хондани қубба, қуббахонӣ*), тўй зиёфати (*зиёфати тўй*), келинни куёвнинг уйига кузатиш (*гусели арўс ба хонаи домод*), келинни гулхан атрофидан айлантириш (*дар гирди гулхан [алав] чарх задани келину домод*), юзқўрди, юзочди (*рўйбинон*) ва бошқалар.

¹Мирзаев Н Ўзбек тили этнографизмларининг изоҳли луғати. - Тошкент: Фан, 1991. -Б. 98.

3) Тўйдан кейинги маросимлар: жой солиш, жой йиғиш, мушқилкушо, биби сешанбе, куёвчарлар, келинчарлар (*қойандозон, қойғундорон, қуббахонӣ – хутбахонӣ, домодталбон, келинталбон*) ва баъзи диний маъракалар «*Бибисешанбе*», «*Бибимушқилкушо*».

Ушбу бобда тўйолди маросимларига оид этнографик сўзлар ва терминлар ва бу соҳага оид ЭЛ маросимларнинг кетма-кетлигига кўра таҳлил қилинган: 1. Совчилик (*хостгорӣ*) - қабул қилдим (*қабул дорам*) - ош ейиш (*ошхўракон*) - ҳа (розилик бериш) - («*ҳагўён*») ва «*парчабуррон*». Маросим номи билан боғлиқ этнографизмларнинг семантикасида позитив маъно олд планга чиқади («ҳа» дейиш, қабул қилиш, ош ейиш»). Бу жараённинг бошқа тожик шеваларидаги номларида ҳам шу ҳол кузатилади: Самарқандда *ошхўракон* (*чавобошӣ, қабулдорам*), Ҳисор ва Нуротада *рўмолтиён* (рўмол берар), Хужандда *ҳагўён* (ҳа демок), *сафедитиён* (оқберар), Ургутда *маълумкунӣ* (маълум қилиш), Фарғонада *маъқулдорам* (маъқул билиш).

2. Нон синдириш (*ноншиканон*) – никоҳ тўйининг асосий маросимларидан бири бўлиб, қиз ва йигитни унаштиришда бажарилади. Нон синдиришдан кейинги жараён «*андозу бардор*» (фотиҳа тўйининг умумий харажати миқдорини чиқариш маросими) - «*фотиҳа - фотийа кардан*», сандиқни элтиш (*сандуқбарӣ*) - сандиқ кўриш (*сандуқбинӣ, бисотбинӣ*) каби лексик-семантик занжирлар бу жараённинг асосий концептларидир. Уни Самарқанд, Бухоро ва Хўжандда фотиҳа тўйи (*фотиҳа*), Ҳисорда «*тўққузбарӣ*», «*фотиҳадихӣ*», Ургутда «*тўққуздиҳӣ*» деб номлайдилар.

3. Келин тўйи. Тўй халқларимизнинг ижтимоий ва маънавий ҳаётида муҳим ҳодиса ва янги оила ташкил қилишнинг асосий омили ҳисобланади. Кўрилган тайёргарликлардан кейин тўйнинг авж нуқтаси - келин тўйи бошланади. *либоспўшонӣ / ливоспўшонӣ* (либос кийдириш) - *пойандозкашӣ* (пояндоз тортиш) / *тўпалангошӣ*, оёқ босиш анъанаси (*почазеркунӣ*) - *чимилиқдарорӣ* (чимилдиққа киритиш) - *оинабинӣ* (кўзгуга қараш)- *қонуний никоҳ - машъалафрўзӣ* (машъал ёқиш) - *қойандозон* (жой солувчилар) - *қойгаҳгундорон* (жой йиғиш) - *домодсалом* (куёв салом) – *келинталбон / арўсталбон* (келинчарлар) каби жараёнлардан ва уларни ифодалайдиган бу тизимли маросимларнинг этнографик жиҳатлари Ўрта Осиё халқлари этнографиясида мушатараклик касб этсада, уларнинг айрим қисмлари ва деталларини бажариш ва ҳар бир кичик маросимнинг ўтказилиши билан боғлиқ ЭЛлар шаклланиши кузатилади. Масалан: *сабзипоракунӣ* (сабзи тўғраш), *молкушӣ* (мол сўйиш), *нонпазӣ* (нон пишириш), *оши ордбуррӣ* (ун оши, ёки ўмоч пишириш), *хабарчӣ / пайкол*, *ошпаз*, *қойхоначӣ*, *шабнишинӣ* (кечки зиёфат, *домодсалом / хушдомансалом* (куёвсалом, қайнонасалом) ва бошқа удумлар алоҳида хусусиятларга эга ва умумий тарзда маслиҳат ва тўйдан кейинги маросимлар этнографик лексикани ташкил этади.

Тадқиқотнинг "**Мотам маросими билан боғлиқ лексемаларнинг луғавий хусусиятлари**" деб номланган иккинчи бобнинг "*Мотам маросимига оид этнографик лексемаларнинг маъно жиҳатдан таҳлили*" номли биринчи бўлимида Самарқанд тожиклари лаҳжасида мотам

маросимига оид сўзлар тожик тили луғавий фондида шу тилнинг муҳим бўлаги ва луғавий таркибнинг энг серистеъмол гуруҳи эканлиги таъкидланади. Мотам маросимини ифодаловчи араб тилига оид сўзларнинг кўпчилиги ўзбек адабий тилида ҳам Самарқанд тожиклари лаҳжасида ҳам бирдай қўлланади. Ўзбек тилида мотам билан боғлиқ кичик маросимларга *аза, маърака, жаноза, таъзия, уч оши, етти, йигирма, қирқ, йил, (мажозий рамзий лексема сифатида), пайшанбалик, қаъда, худойи, эҳсон* сингари лексемалар киради. Масалан, *таъзия, жаноза, маърака* лексемалари *пайшанбалик* ифодаси билан ўзаро "маросим", "мотам", "хафачилик", "кайғу", "хотирлаш" семалари орқали ўзаро бирлашса, "такрорийлик" семалари орқали ўзаро зидланади. Мотам билан боғлиқ кичик маросимлар: *жаноза, таъзия, уч оши, етти, йигирма, қирқ, йил, пайшанбалик, қаъда, худойи, эҳсон* ва бошқалар. Ушбу маросимлар турли ҳудудларда турлича шаклларда ўтказилади. Бироқ уларни умумлаштирувчи белги "урф-одат", «маросим», «мотам», "аза", "маърака" семаларидир.¹

Дарҳақиқат, этнографик сўзлар термин сифатида халқ орасида кенг миқёсда ишлатилмайди, шунинг учун тожик тилининг турли шеваларида этнографик лексиканинг шева вариантлари ҳам кўзга ташланади: *мурда* (ўлик), *майит, чаноза* [Самарқанд, Бухоро], *марҳум* [Самарқанд, Ванж, Дарвоз], *шодравон* (руҳи шод), *марҳум, фақид* (ўтган) [Душанбе], *чаноза, гузашта шудаст* (ўтилибди) [Кўлоб, Рашт] ва шунга ўхшаш халқ орасида ишлатиладиган шакллари учрайди. Фольклоршунос олим Р.Қодиров мотамдорлик лексикаси тўғрисида шундай фикр билдиради: «Ҳар бир минтақанинг мотам маросимини ўрганиш ва уни типологик таҳлил қилиш ўтган кунларга оид ажойиб масалалар ва уларнинг бугунга боғлиқ томонларини ёритади. Инсон учун ўлим икки хил бўлади: табиий ўлим ва ногаҳон ўлим. Ҳар икки ҳолатнинг мотам маросими ўз хусусиятига эгадир ва бу соҳанинг махсус лексикалари билан баён этилади».²

Мотам маросимига оид этнографик сўзларни қуйидагича тасниф қилиш мумкин:

1. Мотамолди маросимлар лексикаси: ўлим чодрасидаги одамнинг ҳолатини ифодалаш учун *чилёсин - чилёсин кадан; чилёсин* (чихилёсин) ва *назми чон (набзи чон,)* - жон чиқиши; *чонсарак шудан* - жонсарак бўлиш; *об аз гулеш нагузаштан* - томоғидан сув ўтмаслик; *об чакондан* - сув томизиш; *таги сара наст кадан* - бошининг тагини пасайтириш; *рост ховондан* - тўғри ётқизиш; *калима гардондан* - калима қайтариш; *почеш варам кадан* - оёқ шиши; *чон буромадан* - жон чиқиши; *ойна доштан* - кўзгу тутиш каби ЭЛ қўлланади. Бундан ташқари, ўлим олди ҳолатлари билан боғлиқ *тег кашидани биннӣ* (буриннинг тигдай бўлиши (ингичка бўлиб қолиши жуда озғинликни ифодалайди); *почеш зард шудан* (оёғи сарғайибди, баданидан ранг кетибди, ҳолсизланибди); *нафасаш бозӣ кадан* (нафаси ўйнаяпти, ўлим олди талвасаси) каби иборалар ҳам мавжуд. “Ўлим ” ва ўлимга боғлиқ

¹ Кахарова М.М. Ўзбек этнографизмларининг системавий тадқиқи: Филол.фан. номз...дисс. автореф. - Тошкент, -Б.12.

² Қодиров Р. Назаре ба фольклори тоҷикони вилояти Қашқадарё. – Душанбе: Эҷод, 2005. -С.46.

ҳолатларда нафақат Самарқанд тожиклари лаҳжасида, балки муштарак тарзда ўзбек ва бошқа қардош халқлар шеваларида ҳам махсус этнографик иборалар ишлатилиши, маҳаллий анъаналарга мос равишда эвфемизмлардан фойдаланилишини кузатамиз. Бу ҳолат бир томондан оддий халқ тилида маданий меъёрларга қай даражада риоя этилиши ва унинг нечоғлик сайқаллашганлигини кўрсатса, иккинчи томондан “ўлим” сўзи оғир ҳиссий туйғуни акс этганлиги ва аслида ҳам қўпол эшитилганлиги боис, тадрижий равишда ундан воз кечилганлигини ва унинг ўрнида фразеологик ва мажозий бирикмалар қўлланилишини кўриш мумкин. Масалан: *қазо кадан* (қазо қилиш), *реҳлат кадан* (у дунёга рихлат қилиш), *бандагя ба чо овардан* (бандаликни бажо келтириш), *тамом шудан* (тамом бўлиш), *пой дароз кадан* (оёғ узатиш), *сафар кадан* (сафар қилиш), *аз олам гузаштан* (оламдан ўтиш), *бандагй кадан* (бандалик қилиш) кабилар.

2. Мотам маросими лексикаси. Самарқанд лаҳжасида маросимлар терминларининг катта қисмини мотам маросими лексикаси ташкил этади ва улар икки қисмдан иборат: а) дафн қилиш маросими лексикаси; б) дафн қилингандан кейинги маросимлар лексикаси.

а) дафн қилиш маросими лексикаси: *садир кардан*, *давра кардан* (мотам ракси); *چار андохтан* (мотамнинг махсус ракси); *каноргирй* (аёлларнинг бир-бирларига йиғлаб ҳамдардлик қилиши); *шустани мурда* (ўликни ювиш); *дафн*, *фотиҳахонй пас аз дафн* (дафндан кейинги фотиҳахонлик); *обимаҳрамгир* - маҳрам суви олувчи; *манаҳ бастан* (энгакни боғлаш); *лелачоқҳои калони почеша бастан* (оёғининг бош бармоқларини боғлаш); *овозандозй* (овоз солиш); *ходими обгармкун* (сув иситувчи); *мурдашў / покшў* (ўлик ювувчи, ғассол); *дафн*, *фотиҳахонй* (фотиҳахонлик) кабилардан иборатдир, уларнинг барчасида “ўлим, аза, дафн” каби негатив маъно англатувчи семаларнинг маъно қирралари сингдирилган. Бу концептлардан *кафан* бир неча қисмдан иборат бўлиб, унинг бўлаклари шундай номланади: *қутта* (кўйлак), *изор* (лозим), *лифофа* (конверт, яъни ўлик ўралувчи мато), *миёнбанд* (белбоғ), *манаҳбанд* (манаҳ боғичи), *синабанд* (сийнабанд), *сарбанд* (бош боғичи), *чодар* (ёпинчиғ) ва бошқалар.

б) дафн қилингандан кейинги босқич маросимлари лексикаси: *фотиҳахонй* (фотиҳахонлик); *шаби мотам* (мотам кечаси); *бегоҳи се* (учинчи оқшом); *бегоҳи жумъа* (жума оқшоми); *бегоҳи чумъи нав* (янги жума оқшоми); *маъракаи бист* (йигирма); *чил* (қирқ); *оши сол* (йил оши) *муллодаророн*, *қойда*, *азокушоён*, *хатми Қуръон* (Қуръон тиловати) кабиларни ўзида жамлайди. Агар диққат этилса, аксарият концептлар марҳумнинг дафн маросимидан кейинги ўтган вақтни ифодалайди, яқинларининг ғам-андуҳларининг кетиши, марҳумни хотирлаш маълум кунлар билан боғланади. Бу жараёнлар эса *хатми қуръон // муллодаророн*, *қойда*, *азокушоён* каби синонимик сўзлар билан ифодаланади.

Иккинчи бобнинг “*Мотам маросимига оид этнографик лексикани тематик гуруҳлаштириш*” деб номланган бўлимида “мотам” концепти билан боғлиқ сўзларни мавзуй гуруҳлаштириш қуйидагича амалга оширилган: 1) турли касблар, ёки уни бажарувчиларини англатувчи сўзлар:

хаварчи, пайкол (чанозагў) (жанозага чақирувчи, хабарчи); *домуло (чилёсингў (й))*; *имом* [жаназахон]; *покишў(й) // мурдашў(й)* (ўликни ювувчи); *бихалифа, гўянда / овозандоз* (овоз солувчи); *обимаҳрамгир* (маҳрам суви олувчи; ходим), *гўрков, домулои қироаткунанда, домулои хатмбахш* (хатм ўқийдиган мулла); *бўйробоф* [буйра тўқувчи, майитни ювиш пайтида бўйрадан фойдаланадилар]; *куллол* [ўликни ювиш учун махсус обдаста ясайди]; 2) гўрковлар ишлатадиган асбоблар ва уларнинг вазифалари бажариладиган жой номи: *каланд* (кетмон), *теша, мисрон, сатил* (челак), *сатилча* (челакча), *канаб, гишт, каландча, тешача, пойтеша; гўр* (гўр), *айвон* (гўрнинг биринчи қисми), *лаҳад* (гўрнинг остки қисми), *хоки дуо* (дуо тупроғи, Қашқадарё тожиклари лаҳжасида “*хоки ихлос*” ҳам дейилади), *гумбаз(ак)* (гўрнинг усти); 3) оила аҳли, қариндошлар ва аёллар мотам кунида киядиган махсус кийимлар номи: *калўш, маҳсй, кавш, калтача* (халат), *фўта* [белбоғ], *рўмолча* [белбоғда махсус рўмолча бўлади], *куртаи кабуд* (кўк кўйлак), *қарс* [бошга ташланади], *рўмолчаи сарбандак* (бошга боғланадиган рўмолча), махсус бўйинга ташланадиган *қарс*; 4) маросим ўтказилиши жараёнини ифодаловчи сўзлар: *чаноза гуфтан* (жанозага айтиш), *фотиҳа хондан* (фотиҳа ўқиш), *миён бастан* (бел боғлаш), *миён кушодан* (белни ечиш), *дуойу фотийа кадан* (дуо фотиҳа қилиш), *покишў кадан* (ўликни ювиб тоза қилиш), *об гарм кадан* (ўликни ювиш учун сув иситиш), *об пошидан* (ўликка) сув сепиш); 5) Мотам маросими таомлари номини ифодаловчи сўзлар: *оши палав* (палов) - мотам ичидаги маросимларда, аза очиш, уч кеча, биринчи жума оқшоми, йигирма, хатми Қуръон, йил оши (йилликда пиширилади); *оши орд* ун оши (йилликда маҳалла ходими томонидан пиширилади); *шўрбо* – (жума оқшоми ва душанба оқшоми кунларида фотиҳага келган меҳмонлар учун тайёрланади), *талқон* (йигирманчи куни, ҳайит кунларида пиширилиб, ундан озгинаси марҳумнинг қабри устига сепилади); *ҳалбои тар* (ширин атала–учинчи, йигирманчи, қирқинчи кунлари ва йил маросимида пиширилади). Аслида зоҳирий жиҳатдан умумхалқ истеъмолида бўлган сўзлар оддий сўзлар - овқатлар номи, кулинар терминлар сифатида ишлатилса ҳам, мана шу ҳолатда, яъни айнан мотам маросимлари жараёнида махсус ва мунтазам пиширилганлиги ва қатъий тарзда анъана тусига айланганлиги учун ҳам этнографик атамалар тизимига кирган ва терминлашган; б) мавҳум тушунчаларни ва маконларни ифодаловчи сўзлар: *дунёи боқй* (дорулбақо), *биҳишт* (жаннат); *мурдахона* (ўликхона), *гўристон (қабристон)*, *гўру чўб - гўру кафан; танги лаҳад* (қабр азоби), *гўру қиёмат* (қиёмат жазосининг кўркуви) кабилардир.

Учинчи боб “**Маросимларга оид этнографик лексемаларнинг этимологияси ва ясалиш хусусиятлари**” деб номланган ва унда тожик тилининг Самарқанд шеvasидаги этнографик сўзлар этимологик жиҳатдан қуйидаги гуруҳларга ажратилган: а) тожикча этнографик сўзлар; б) туркийча этнографик сўзлар; в) арабча этнографик сўзлар; г) европача этнографик сўзлар; д) аралашма этнографик сўзлар (гибрид сўзлар). Бобнинг “*Маросимларга боғлиқ этнографик сўзларнинг этимологияси*” деб номланган биринчи бўлимида дастлаб “асл тожикча этнографик сўзлар” таҳлилга

тортилган. Бу гуруҳдаги ЭЛнинг манбаи ҳозирги кунда эроний тилларда сақланиб қолган умумэроний тилларнинг қадимий лексикасидир. Зеро, асл тожикча сўзлар қайси тарихий қатламга боғлиқ бўлишидан қатъи назар, бир қатор умумий белгиларга эгадирлар. Уларнинг энг муҳим этимологик белгилари аслида ҳам ўзакли ва кўпинча бир бўғинли эканлигидадир. Ҳозирги тожик тилида ҳам шундай сўзлар бир бўғинли шаклларда сақланиб қолган: С: ў, о; СҲ: *об, ош*; ҲС: *мо, бо*; ҲСҲ: *бад, нон*; СҲҲ: *асп, орд* ва ҲСҲҲ: *даст, бурд**.

